

АДОЛАТ


ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажакимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳасида қўлланилаётган янги авлод тармоғи аввалгиларидан кўра талай афзалликларга эга, — дейди Умид Ниёзов. — Ушбу илгор ахборот технологиялари бир вақтнинг ўзига юз минглаб абонентларнинг ўзаро мулоқотда бўлиши учун имкон яратди. Янги авлод тармоқлари ёрдамида барча замонавий технологиялар бошқарувини бир жойга жамлаш мумкин. Янги авлод тармоқларидан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш, бошқарувни



С.ЎРМОНОВ (Ў.А) олган сурат.

— Бугунги кунда телекоммуникация технологиялари соҳасида қўлланилаётган янги авлод тармоғи аввалгиларидан кўра талай афзалликларга эга, — дейди Умид Ниёзов. — Ушбу илгор ахборот технологиялари бир вақтнинг ўзига юз минглаб абонентларнинг ўзаро мулоқотда бўлиши учун имкон яратди. Янги авлод тармоқлари ёрдамида барча замонавий технологиялар бошқарувини бир жойга жамлаш мумкин. Янги авлод тармоқларидан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш, бошқарувни

такомиллаштириш, қақриқ ёки маълумотни тегишли манзилга тўғри йўналтириш ва хизмат кўрсатиш сифатини мунтазам ошириб бориш имкони мавжуд. Унинг мамлакатимиз алоқа линияларига янги авлод тармоғи технологияларини жорий этишда маршрутлаштириш масалалари мавзусидаги илмий лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси талловида мутахассислар томонидан юқори баҳоланган. У.Ниёзов бакалавр таълимнинг техника ва информатика

йўналишида Президент давлат стипендиясига муносиб топилди. — Бундай ютуқ ва муваффақиятларимни мамлакатимизда ёш авлод камолоти-га қаратилаётган юксак эътибор самараларидан деб биламан, — дейди У.Ниёзов. — Замонавий ахборот технологияларига оид назарий ва амалий кўникмаларини янада ривожлантириб, келгусида билимим ва тажрибамни мамлакатимиз телекоммуникация тизимларига татбиқ этиш ниятиданман.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корей Республикаси Президентининг ўз лавозимига расман киришишига бағишланган маросимда иштирок этиш учун шу йил 24-26 февраль кунлари Корей Республикасида бўлади.

Жанубий Корей раҳбарияти билан учрашувларда икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳоли ва истикболига доир, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалалар муҳокама этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТИЖОРAT БАНКЛАРИДА АҲОЛИ ОМОНATЛАРИ ШАРТЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг гоёт муҳим манбаи сифатида аҳолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2008 йил 1 апрель — 2009 йил 1 апрель оралиғидаги даврда банklar Ўзбекистон Республикаси резидентлари — жисмоний шахслардан депозит ҳисобварақларга, жумладан, тақдим этувчининг депозитларига нақд пул шаклида қўйилган ёки ўзларининг хорижий банklarдаги шахсий ҳисобварақларидан ўтказилган миллий ва хорижий валютадаги пул маблағларини омонатларнинг миқдорини чекламаган ва уларнинг келиб чиқиш манбаларини тасдиқлайдиган ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда қабул қилишга мажбурдирлар.

2. Белгилансинки: Ўзбекистон Республикаси резидентлари — жисмоний шахслар томонидан банklarдаги депозит ҳисобварақларга қўйилган маблағлар манбалари декларация қилинмайдиган; 2008 йил 1 апрель — 2009 йил 1 апрель оралиғидаги даврда жисмоний шахслар томонидан банklarдаги депозит ҳисобварақларга қўйилган пул

маблағлари солиқлардан ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилади. 3. Республика банклари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, солиқ ва бошқа назорат органларига омонат қўювчи жисмоний шахслар ҳамда уларга хизмат кўрсатадиган банklarдан пул маблағларининг келиб чиқиш манбаларини қонунийлиги тўғрисидаги турли ҳужжатлар ва маълумотномаларни ҳамда банк сири ҳисобланганидан бошқа маълумотларни сўраб олиш қатъиян тақиқлансин.

Пул қўювчидан пул маблағларининг келиб чиқиш манбалари тўғрисида маълумотномалар ва бошқа ахборотларни ҳар қандай тарзда талаб қилиш қонуний деб ҳисоблансин, ушбу талабларни бузган мансабдор шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилсин.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, қонун ҳужжатларига мувофиқ; пул қўювчи жисмоний шахслар банklarдаги депозит ҳисобварақларига қўйилган пул маблағларини ўзларининг хоҳишларига кўра ва чекловларсиз тасарруф этишлари мумкин; банklar жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ва пул қўйилмалари борасида, шунингдек, улар буйича амалга ошири-

ладиган операциялар хусусида банк сири сақланишини кафолатлашлари шарт; банк сири ҳисобланган маълумотларни қонуний ошқор этгани ёки унинг шахсларга бергани учун айбдор бўлган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маҳаллий ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, солиқ ва бошқа назорат органлари, банklar, мансабдор шахслар томонидан банк сири тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мувофиқ Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф.М.Муллажонов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2008 йил 20 февраль

Парламент ҳаёти

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР партия фаоллари зиммасига катта масъулият юклайди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг кенгайтирилган ййгилиши бўлиб ўтди. Унда партия фракцияси ҳамда Ижроия Қўмитаси аъзолари, Марказий Кенгаш ходимлари, тегишли идора вакиллари иштирок этди.



Дастлаб ййгилиш кун тартибидеги биринчи масала — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқиб партия олдида турган вазифалар муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, фракция аъзоси Исмоил Саидназаров маъруза қилди.

Ййгилишда Ортбошимизнинг Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасида қайд этилган вазифалар партия фаоллари зиммасига катта масъулият юклатиш таъкидланди. Мазкур масала юзасидан Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, фракция аъзоси Исмоил Саидназаров маъруза қилди. Ййгилишда давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг 25-банди ижроси юзасидан тайёрланган «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 109-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги (биринчи ўқиш) ва бошқа бир неча қонун лойиҳалари қизгин муҳокама қилинди. Фракция аъзолари Худойер Маматов, Зухра Ботирова, Юсуфжон Нишоновлар қонун лойиҳаларига ўз муносабатларини билдиришди.

Фарҳод ЭСОНОВ, «Адолат» мухбири.

Муносабат

ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сузлаган нутқини диққат билан эшитдим. Таъкидланганидек, вилоятда миллий иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасида сезиларли ютуқлар қўлга киритилган. Жумладан, 2007 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот салкам 8 фоизга, саноат — 11,8, пуллик хизмат кўрсатиш — 19,7 фоизга ўсган. Бироқ бой берилган имкониятлар ҳам етарли эканини қуюнчақлик билан таъкидлади Ортбошимиз.

Сессияда билдирилган мулоҳазалар айни пайтда бизнинг зиммасига ҳам гоёт катта вазифа ва масъулият юклайди. Партияимиз фаоллари Президентимизнинг мазкур сессияда сузлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олдилар. Ҳозир бу борада тарғибот ишлари режаси ишлаб чиқилиб, бошланғич партия таш-

килотларига етказилмоқда. Режада давлатимиз раҳбари мазкур сессияда таъкидлаганидек, «Фуқароларимиз қонун устуворлигини, содда қилиб айтганда, ким қаерда, қайси лавозимда ишлашидан қатъий назар, қонун барчамиз учун баробар эканини ва қонунни бузган тақдирда ҳамма учун жазо муқаррар бўлишининг тасдиғини амалда қириши шарт» эканлиги ўз ифодасини топган. Шунда аҳолининг ҳокимиятга ҳам, адолатга ҳам ишончи кучайиб жамиятда соғлом муҳит шакллана боради. Бу эса элга, юртга етакчи бўлиш раҳбарларга, ҳокимларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. «Адолат» СДП туман кенгаши бугун ўз сиёсий ҳаётида ана шу ҳақиқатни фаолият мезони қилиб олмоқда. Ўзгаш ОШМУРДОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Қўшқўпр тумани Кенгаши биринчи котиби.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ТИЖОРAT БАНКЛАРИДА АҲОЛИ ОМОНATЛАРИ ШАРТЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатимизда «Банк — миқоз учун, миқоз банк учун эмас» тамойили асосида банк тизими тубдан ислоҳ қилинди ва либераллаштирилди. Ҳозирги кунда республикада 30 га яқин банklar фаолият юритмоқда. Миқоз ўзи банк танлаш, пул маблағларини бир неча банklarдаги ҳисобварақларидан сақлаш ва ўз маблағларини, қаерда жойлашганидан қатъий назар, банкнинг истаган филиалидан олиш ҳуқуқига эгадир. Бугунга келиб мамлакатнинг барча минтақалари

ва аҳоли пунктларида тижорат банкларининг 8 мингдан ортиқ филиаллари ва бўлимлари миқозларга хизмат кўрсатиш билан шугулланаётганини айтиб ўтиш қиёфаси. Агар Россия Федерацияси ва Қозғистондаги банк муассасаларининг ҳар бирига 20 мингдан зиёд аҳоли тўғри келса, Ўзбекистонда — 5 минг киши, яъни ривожланган мамлакатлардаги деярли тенг (тахминан 4 минг киши) тўғри келади. Банкларнинг бундай кенг қўламли тармоғи мамлакатнинг бутун аҳолисини банк хизматлари билан тўлиқ таъминлаш,

унинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини мумкин қадар кўпроқ қондириш имконини беради. Сўнгги йилларда тижорат банклари томонидан бозор фойз ставкалари билан 200 дан ортиқ жозибали депозит турлари татбиқ этилди, пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини ривожлантириб бормоқда, натижада 2000 йилдан бошлаб аҳолининг тижорат банкларидаги маблағлари 55 баробар ўсди ва 1 трлн. сўмдан ошиб кетди. (Давоми 2-бетда)

БЮДЖЕТ ИЖРОСИ МАЪҚУМАНДИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Адолат» социал-демократик партиясининг 2007 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан партия Сиёсий Кенгаши котиби Равашан Хайдаровнинг ҳисоботи тингланди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Утган йил давомида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги ва «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда ўз Устави асосида фаолият юритиб, салоҳиятини мустаҳкамлашга, ташкилий-партиявий ишлар қўламининг оширишга, тарғибот-ташвиқотни кучайтиришга эришди. Партиянинг марказдаги ва жойлардаги ташкилотлари томонидан қўлаб тadbирлар ўтказилди. Бунинг натижаси ўлароқ, партия аъзолари сони ҳам бирмунча ўсди. 2008 йилнинг 1 январига келиб, уларнинг сони 64244 нафарга етди. 2007 йил бошида тасдиқланган партия бюджетига кўра, партия даромадларининг давлат бюджетидан молиялаштириладиган қисми 254033,0 минг сўм, аъзолик бадал-

лари тушумларидан молиялаштириладиган қисми эса 87574,6 минг сўм миқдоридан режалаштирилган эди. Йил давомида партия ҳисоб рақамига 272652,9 минг сўм маблағ келиб тушди, шу жумладан, партия устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат бюджетидан 254033,0 минг сўм ажратилди. Партиянинг ўз фаолиятидан олинган умумий тушумлар миқдори эса 18021,3 минг сўм бўлиб, шундан аъзолик бадаллари тушумлари 16950,6 минг сўмни ва ҳомийлик ёрдами ҳисобидан тушган маблағлар 1070,7 минг сўмни ташкил этди. Нотик бу кўрсаткичлар билан аъзолик бадалларини ййғиш режаси бажарилмаганини, бундай камчиликларни батариф этиш учун 2008 йилда марказий ва ҳудудий партия ташкилотлари жиддий иш олиб бо-

ришлари лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, маърузачи ҳисоботида партия устав фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган бюджет маблағлари партия Сиёсий Кенгаши ва ҳудудий Кенгашларнинг ходимларини иш ҳақи билан таъминлаш, партия тadbирларини ўтказиш, партия нашри — «Адолат» газетасига моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда партия Кенгашлари жорий харажатларини қоплаш учун мақсадли сарфланганлигини таъкидлаб ўтди. Маърузачи партиянинг 2008 йил бюджетининг асосий кўрсаткичлари буйича ҳам маълумот берди. Тасдиқланган даромадлар сметасига биноан партиянинг 2008 йилдаги умумий даромадлари 406523,8 минг сўмни ташкил этади. Даромадларнинг 329431,0 минг сўми давлат бюджетидан, 77092,8 минг сўми аъзолик бадаллари ва партиянинг бошқа тушумларидан молиялаштирилди. Ҳисобот муҳокамасида сўзга чиққанлар 2007 йил партия бюджети ижросини маълум қилди.

Ўз мухбиримиз.

КЎЧАТ ЭКИШ БОШЛАНДИ

Сурхондарё вилоятида ободонлаштириш-қўқаламзорлаштириш ойлиги бошланди. Мавсумни муваффақиятли ўтказиш учун вилоят марказий ўрмон хўжалиги томонидан 12 та бригада ташкил этилди. Ҳозиргача вилоят маркази ва Термиз тумани ҳудудига 10 минг туп қарағай, арча ва бошқа манзарали дарахтлар ҳамда гул қўчатлари ўтказилди. — Қўнлар исий бошлаши билан кўчат ўтказиш яхши аънамага айланган, — дейди Сурхондарё вилоят марказий ўрмон хўжалиги раҳбари Мусулмон Мирзаев. — Бу ишлар Нарвўз байрамга тайёргарлик доирасида амалга оширилмоқда. Жорий мавсумда вилоят буйича уч миллион тупдан зиёд мевали ва манзарали кўчат ўтказилади, 182 минг гектар майдонда ўрмонзор барпо этилади. Шунингдек, ноёб дарахтлар — каштан ва япон сафораси қўчатлари экишни ҳам мулжалламоқдамиз. (Ў.А)

ПАРРАНДАЧИЛИК

— Кони Ҳойда

Сурхондарё вилоятида паррандачиликни ривожлантиришга эътибор кучайтирилмоқда.

Узун туманидаги "Галлинар" паррандачилик ишлаб чиқариш фирмасида 20 миңгача ортиқ зотли товуқ ва жўжа боқилиб, ҳар ойда ўртача 25 миллион сўмдан зиёд даромад олинган.

Паррандаларни қишдан беталафот олиб чиқдик, — дейди хусусий фирма раҳбари Қодиржон Раҳмонкулов. — Бу йил улар сонини кўпайтириб, 40 миңгача етказишни ва яна ўн нафардан зиёд кишини иш билан таъминлашни мўлжаллаётимиз.

(ЎЗА)

ЧОРВАДОРЛАР ҲУЗУРИДА

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизмида амалга оширилаётган ислохотлар биз тиббиёт ходимлари зиммасига катта масъулият юкламоқда.

Кўпроқ қишлоқ ва маҳалларда бўлиб, аҳоли ўртасида касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, санитария маданиятининг моҳияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб бораёلمиз.

Бу ерда истиқомат қиладиган аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилиб, тиббий-мехнат ёрдами кўрсатилди. 62 нафар ногиронларга, 40 миңгача етказишни ва яна ўн нафардан зиёд кишини иш билан таъминлашни мўлжаллаётимиз.

ган меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасарруфидаги реабилитация марказларига даволаниш учун юборилди.

Албатта, бундай ғамхўрликдан жонқелдилик чорвадорлар хурсанд бўлишди.

Ўқтам БОБОЕВ, Пешку-Ромитан туманларо 5-ТМЭК раиси

Назорат

ЁНИЛГИДАН КЎНГИЛ ТЎЛАЯПТИ...МИ?

Бугунги кундалик ҳаётимизни транспорт воситаларисиз тасаввур этиши қийин. Уларнинг бир маромада, нуқсонсиз ҳаракатланиши эса ёнилги ва ёнилги-мойлаш материаллари сифати ҳам бевосита боғлиқ.

Гуруч қурмақсиз бўлмаганидек, айрим жойларда сифатсиз ёнилги ва унинг баҳосини асосиз ошириб сотиш, белгиланган давлат мейёрларига амал қилмаслик, исрофгарчилик каби ҳолатлар ҳамон учраб турибди.

Инспекциянинг Наманган вилояти бўлими ўтган йил давомида нефть маҳсулотларидан фойдаланиш юзасидан 55 та текширув ҳамда 35 та мониторинг ўтказди.

Утказилган текшириш ва мониторинглар давомида нефть маҳсулотлари сақлаш омборларининг техник ҳолати талаб даражасида бўлмаганилиги боис 22 та АЁҚШлар лицензияси вақтинчалик тўхтатилди.

хонасида ҳам қатор қонунбузилишлар, талон-тарожилик ва амалдаги мейёр талабларига амал қилмаслик каби салбий ҳолатлар кўзга ташланди.

Яна бир ҳолат: «Ўздавнефтегазинспекция» Наманган вилояти бўлими ва ишонч телефонларида тез-тез аҳоли ҳамда мижозлардан мурожаатлар бўлиб турибди.

«Кўрилаётган қатъий чора-тадбирларга қарамадан туманлардаги айрим хусусий фирмаларга қарашли АЁҚШларда нефть маҳсулотлари сифати, белгиланган нархлардан ошириб сотиш ҳолатлари ҳамон давом этаётгани аниқланди.

Хусусан, «Абдурахмон ота», «Пегас Петрол» хусусий фирмасига қарашли АЁҚШларда операторлар И.Юлдашев, Б.Маҳамовлар томонидан автобензин ёқилгиси ҳар литрига 35 сўмдан ошқича сотганилиги, ёнилги тарқатиш устунлари белгилангандан кам қўйлаётганилиги текширувда ойдинлашди.

Сир эмас, аксарият ҳолларда ёқилгининг белгиланган нархлардан ошқича сотилишидан кўпчилик мижозлар нолишади.

Нефть маҳсулотлари мамлакат тараққиётига хизмат қилувчи муҳим восита, товар ҳисобланади.

Давур ЖОЗИЛОВ, «Адолат» мухбири.

КЕЛАЖАКНИ БАҒРИДА УЛҒАЙТИРАР ЮРТ

Бу даргоҳдаги турмуш манзараси оддий ўзбек оиласиникидан деярли фарқ қилмайди.

Лекин синчиқлаб разм солсангиз, болалар атрофида гирдиқапалак бўлаётган «ойижон»ларнинг сочларига ҳали оқ орамлаганини сезасиз.

Ҳа, Самарқанд шаҳрининг «Сўғдиёна» мавзесида жойлашган SOS болалар маҳалласи юртимизда келажак авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасига айланган.



яга муҳтож 53 нафар ўғил-қизнинг ҳар бири алоҳида коттеж типидagi уйларида истиқомат қилишади.

ий синов асосида танлаб олинган. Меҳрибонлик уйларида фарқи жиҳати — бу ерда оилавий муҳит бор, ҳар қимнинг ўз рўзғори-ю яшаш тарзи бор!

Дарвоқе, бугун дунёнинг 132 мамлакатда SOS деб номланган 600 га яқин шундай болалар маскани фаолият юритмоқда.

— Лойиҳа муаллифи Австриядagi «SOS Киндердор интернейшнль» халқаро ташкилоти ҳисобланади, — дейди болалар маркази раҳбари Феруз Эгамбердиев.


Айтганча, болалар маҳалласида ҳар битта уйда телевизор кўрсатувлари сунъий йўлдош

Самарқанддаги SOS болалар маҳалласи ижтимоий ғамхўрликнинг ёрқин нишонаси

орқали намойиш этилади. Интернет тармоғи эса мунтазам ишлаб турибди.

SOS болалар маҳалласининг ҳар бир хизматчиси — педагог Нодира Қурбонавадан тортиб руҳшунос Файзулло Сафаров, ижтимоий ҳодим Шоира Самадовагача ўз касбининг чинакам фидойилари.

Зоҳид ТОИРОВ, «Адолат» мухбири.



ИККИЛАМЧИ МЕТАЛЛ ЭҲТИЁЖИ

Мамлакатимиз халқ ҳўжалиги тармоқларида иккиламчи металл бўлган талаб ортиб бормоқда.

Корхонада иккиламчи металл парчалари жамлашиб Бекобод металлургия корхонасига узлуқсиз етказиб берилади.

Ҳозирда кўнига 114 тонна иккиламчи металл хомашёлари қайта ишлаш корхонасига пешма-пеш жўнатилади.

Қайта ишлаш тармоқларига етказиб берилган иккиламчи металл парчалари тайёр маҳсулот тарзида вилоятда қурилаётган мактаб, коллеж, академик лицей ва бошқа мейморнинг ишшоотлар қурилишига имтиёзли нархларда етказиб беришмоқда.

Бизнинг Мусоҳаба ИНСОН МАНФААТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар одамлар манфаатига, эркин ва қонун инсонни тарбиялашга хизмат қилаётгани билан характерлидир.

Очиги, сиз бир пайтлар ҳақхўққини ҳимоя қилган қизилтепалик аёлнинг миннатдорчилик сўзлари айтилмаганда, эҳтимол, бу мавзуга туртки бўлмаган — бугунги суҳбатимиз мазмун фўқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятлари кафолатлари ҳақида бормаган бўлармиди.

— Бизда инсонга бўлган юксак эътиборни жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилишнинг навабдаги босқичида амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалардан бири аҳолининг ноҳор қатлами ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласи этиб белгиланганида ҳам қўриш мумкин.

— Шартнома шартларига риоя қилиш иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг муҳим шартидир.

— Ногиронлар, кам таъминланган оилалар ижтимоий ҳимоясига доир қонун ва қарорлар ижросини таъминлаш бўйича қандай ишлар олиб боришмоқда?

— Шаҳар соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва халқ таълими тизими муассасаларида ўтказилган текширишларда ютуқлар билан бир қаторда, жиҳдий камчиликларга ҳам йўл қўйилаётгани ҳам аниқланди.

— Бу ҳолат қайси корхоналар мисолида кўпроқ кузатилмоқда? — Корхоналар эмас, айрим масъул шахслар, жумладан, «Навойазот» ошқ ақциядорлик жамияти бошқаруви раисининг молиявий масалалар бўйича ўринбосари Н.Солиев ва «Электромобиль» ишлаб чиқариш корхонаси бош ҳисобчиси Х.Расулов фаолиятида яққол кўринди.

ДУНЁ: ЯНГИЛИК ҲОДИСА ВОҚЕАЛАР

НАВОЗ ШАРИФ — ЕТАКЧИ

Покистондаги парламент сайловлари ўтказилди.




Сўнгги ҳисоб-китобларга қараганда, Покистон мусулмонлар лигасидаги Навоз Шариф фракцияси Миллий ассамблеядаги 272 ўриндан 52 тасини, Панжоб парламентидаги 297 ўриндан 81 тасини эгаллаб, етакчилик қилмоқда.

ЖИНОЯТЧИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Италияда энг хавфли жиноятчи қўлга олинди.

Мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ўтказилган жорий йилнинг энг муҳим операцияси муваффақиятли якунланди.

«Пиза» минораси қурилади. Бу ишоот 4 та минорадан иборат бўлиб, улардан бирининг баландлиги ҳудди ҳаққиқий «Пиза» сингари 57,6 метрни ташкил этади.




минорасини қуришда автомобиль газларини ютиб, кислород чиқариб берувчи махсус материаллардан фойдаланилади.

«Электр хоним» Буюк Британиялик Дебби Вольфинг организмга электр тармоқларига таъсир ўтказишга қодир.

«ЭЛЕКТР ХОНИМ»

Дебби ҳақиқатан кучли электр қувватига эга. У руҳий зўриқиш ҳолатида бўлса, атрофдаги электр жиҳозлари ишга тушади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



Н.ХАЙДАРОВ олаги сурат.

Тарбия сабоқлари

ЭЗГУЛИК ЁҒДУСИ

“Оз яхши кўп ёмондир яхши”, деб ёзганди улғу шоир Низомий Ганжавий. Бироқ яхшилик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Фақат яхши одамгина эзгу амалга қўла олади. Яхши одамлар ҳақида ҳадиси шарифда шундай дейилади: “Узини камтарин олиб юрғучи, ҳалол касб қилғучи, қалби пок, кўришиши нақадар яхши! Илмига амал қилгани, ортинча дунё-сидан хайру эҳсон қилганидан, беҳуда гапдан тилини тийганидан кишилар нақадар яхши кишилардир!”

Хайриятки, ораимизда шундай одамлар кўп. Уларнинг яхшиликлари тўғрисида ёмонларнинг ёмонликлари ювилиб туради. Акс ҳолда, дунёни зулмат ва ёвузлик эгаллаб оларди. Шунинг учун ҳам яхшилар бор бўлсин, омон бўлсин, деймиз. Ҳар биримиз ҳадисда айтилган фазилатларга эга инсонлардан ибрат олишимиз ва ҳаётда улардек бўлишга интилишимиз зарур. “Ҳар кимдаки бўлса яхши табият, одамийлик юксак унда ниҳоят”, деган эди Хисрав Дехлавий. Демак, яхши инсон бўлишимиз учун одамийлигимиз юксак бўлиши керак.

Ҳар қандай ҳолатда фақат шахсий манфаатини қўлаб иш қўладиган, фикрлайдиган, ҳулоса чиқарадиган инсон ҳеч қачон яхши одам бўлолмайди. Одамийлик инсон кўрки бўлса, яхшилик бошқалар манфаати учун ҳам хизмат қилиш демакдир. Абдурахмон Жомий бу ҳақда шундай деган:

Шамдек бул, шанин кўр, кўйиб қалбу тил, Узлар базмни қилади равшан.

Булут бул, сув бериб қўйганда ёлғир, Гули ҳам, хасин ҳам сугорар бир-бир.

Демак, яхшиликнинг чегараси йўқ. Биров сиздан манфаат қўради, бу сизнинг яхшилигингиз. Яхшилик ошкор қилинмади, миннат қилинса, ёмонликка айланади. Шундан эҳтиёт бўлиш керак.

Биз баъзан шахсий манфаат илмида мунофиқлик, хиёнат, фитнес, физкультура фақат йўлига юрамиз. Яъни

моддий бойлик, мансаб-мартаба, шуқрат, сохта обрў илмида диёнарсизлик қиламиз, ҳар хил хийлаларни ишлатамиз. Яхши одамлар ҳеч қачон бундай қилмайдилар. Яхши одам билан бирга бўлиш ёки ишлаш шунчалик ташвиш келтиради. Бу борада ҳадисда шундай дейилади: “Яхши одам билан ўтириш гўё мушқу анбардек, ёмон одам билан бирга бўлиш эса темирчининг босқони каби-дир. Мушқу анбар бор кишидан хушбўй хид таралади, сен ундан уни сотиб олишинг ёки хушбўй хиддан баҳраманд бўлишинг мумкин. Темирчининг босқони эса кийимингни куйдириб қўйиши ёки лоқал ундан қўлаб иш қўладиган киши билан ўтириш мумкин.”

Азиз биродар, хушбўй хид билан қўлаб иш қўладиган тақдослаб кўринганда, яхши ва ёмон одамлар ҳақида ҳулоса чиқараверинг. Демак, биз ҳаётда қўлаб иш қўладиган ёмондан йироқроқ, хушбўй хидга – яхшига яқинроқ юришимиз зарур. Ана шунда яхши хислатлардан баҳраманд бўлиб яхшилар сафидан жой оламиз. Ана шунда биз нафақат ўзимизга, балки бошқаларга ҳам эзгуликни раво қўраемиз. Зеро, буюк доғирини Жалолддин Румий айтганидек:

Наманг ўзинга кўрарсан раво, Шунг узларга йўла доғир.

Неким исламсанг, яхшиин-ёмон, Бошқаса ҳам раво кўрди, ай инсон.

Иброҳим НОРМАТОВ, журналист.

Маданият

“НАМУНАЛИ УСЛУБИЯТ ХОНАСИ”

Муқимий номидидаги мусиқали драма ва комедия театрида “Энг намунали услубият хонаси” республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Республика халқ ижодиёти илмий-методик маркази томонидан илк бор ташкил этилган ва икки босқичда ўтказилган танловдан кўзда тутилган мақсад маданият тизимидаги муассасаларнинг маънавий-маърифий ишларида самарадорликни ошириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, кишлоқ аҳолиси ўртасида

маданий тарғиботни кучайтиришга қаратилган. “Энг намунали услубият хонаси” номинацияси бўйича Тошкент, Бухоро, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси услубийчилари ғолибликни қўлга киритдилар. Шунингдек, танловда “Энг яхши услубиятчи”, “Энг яхши жиҳозланган услубият хонаси”, “Энг яхши амалий-услубий ёрдам курсатувчи”, “Энг яхши сценарий муаллифи” номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Дилноза АКБАРОВА.

Қутлов

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши барча партиядошлар номидан партиясининг Сирдарё вилояти Кенгаши котиби Пиримқул Дўстмаматовни қутлуғ 60 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этади.

Унинг «Адолат» СДП Сирдарё вилояти Кенгаши котиби, жонқуяр аъзо сифатида мустақил Ватанимиз равақига ва юртимиз ободлиги, қолаверса, партиямиз ўз олдига қўйган устувор мақсадларга эришиши йўлидаги ишларида омад тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

ADOLAT IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA MUASSIS: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Бош муҳаррир Холтўра ШАҒОАТОВ Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган Телефонлар: қабулхона – 236-53-14; факс – 233-40-86; котибият – 236-55-96; реклама бўлими – 233-41-89; Маънавий 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрир хайъати Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Икбол МИРЗО, Туреунали ҚЎЗИЕВ, Турғунуллат ДАМИНОВ, Равшан ХАЙДАРОВ, Мамазоир ХўЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРОДОВ

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди «Адолат»дан кўчириб босиб фақат тахририят руҳини билан амалга оширилади. t – Тижорат мақолалар белгиси. Нашр индекси – 100 Навбатчи – У.ХУДОЙКУЛОВ Саҳифаловчи – Л. ТУРСУНОВ

Мамлакатимизда келажакимиз эгалари бўлган ёш авлодининг жисмонан кучли, маънан ишук бўлиб вояга етиши учун кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жойларда оммавий спортни ривожлантириш ва янги спорт иншоотлари барпо этишга катта аҳамият берилётгани ёшлар ўртасида халқаро мусобақалар ғолибларининг кун сайин кўпайиб боришига замин яратмоқда.

Пойтахтимиздаги “Истиқлол” болалар спорт мажмуаси ҳам ҳар томонлама кучли спортчи-ёшларни тарбиялаб вояга етказётган даргоҳлардан бири саналади. Айни пайтда мазкур мажмуада мингга яқин ўғил-қизлар спорт билан шуғулланиб келмоқда. Уларга ўн икки нафар мураббий сабоқ бермоқда.

– Мажмуага ўрта маҳалла ҳамда 5 та мактаб ўқувчилари қатнаб, мураббийлар кўмағида ўзлари севган спорт тури билан шуғулланишмоқда, – дейди клубнинг бош мураббийи Равил Имомов. – Абжир, чаққон ёш спортчиларнинг уч юзга яқинини қизлар ташкил этаётгани қувонарли ҳолат.

Спорт

ЧЕМПИОНЛИККА ИККИ ДАЪВОГАР

Республика шахмат-шахшанбиева ва навоийлик хотин-қизлар ўртасида мамлакат чемпионати биринчи лига беллашувлари кизгин давом этмоқда.

Чемпионатда рақибларини кетма-кет мағлубиятга учратиб, учтадан очко жамғарган икки шахматчи –

қашқадарёлик Умида Чоршанбиева ва навоийлик Озода Каримова етакчилик қилмоқда. Учинчи турда У.Чоршанбиева пойтахтлик Надежда Бубенцова устидан зафар кучди. Самарқанд вилояти шарафини химоя қилаётган Н.Курмаева эса О.Каримовага имко-

ниятни бой берди. Иккитадан галаба ва биттадан дурангга эришган Ирода Иброҳимова (Сурхондарё), Сарвиноз Курбонбоева (Сирдарё) ва Мафтуна Маматқуллова (Тошкент вилояти) ҳам совринли ўринларга даъвогарлик қилмоқда.

ҒОЛИБЛАР – КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Нукус шаҳрида стол теннис буйича қизлар ўртасида ўтказилаётган “Қамолот” малякаси мусобақаларининг Қорақалпоғистон босқичи якунланди.

Мусобақада олти нафар ёш ракетка устаси иштирок этди. Мурасасиз кечдан беллашувлар нукуслик Гулзода Болтабоева, амударёлик Гулшода Ражабова, чимбойлик Алтина Ёмбергенова ва Дурдона Сайип-

назарова галабаси билан якунланди. Ғолиблар мусобақанинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

Мусобақа ғолибларига эсдалик совғалари топширилди. Ойбек АБДУЛЛАЕВ.

Тафаккур гулшани

Абу Али ибн СИНО

ЗАҒАРНОМА

(Давоми. Бошланғич ўқув соҳаси)

Дедим: – Сахий ким?

Деди: – Саховат кўрсатиб, дили яйрайдиган киши.

Дедим: – Одам боласи ҳар қанча изласа-да, охиригача топмаган нарса нима?

Деди: – Уч нарса: соғлиқ, шодлик ва ҳақиқий дўст.

Дедим: – Яхшилик яхшими ёки ёмонликдан узоқ бўлиш?

Деди: – Ёмонликдан узоқ бўлиш барча яхшиликларнинг бошидир.

Дедим: – Нима қилсам табиғга ишим тушмайди?

Деди: – Кам есанг, кам ухласанг, кам гапирсанг.

Дедим: – Маломат қилинадиган фазилат ҳам бўладими?

Деди: – Булади: агар саховат миннат билан қилинадиган бўлса.

Дедим: – Мардликнинг аломати нима?

Деди: – Қўлдан келса, авф этиш.

Дедим: – Оқил кишининг қайси иши кўпроқ таҳсинга лойиқ?

Деди: – Ёмонни ёмонликдан қайтарса.

Дедим: – Илмни нима зиёда қилади?

Деди: – Тўғрилиқ.

Дедим: – Қайси амрларни хор қилмаслик керак?

Деди: – Улар учта: ҳақ амри, оқиллар амри, ота-она амри.

Дедим: – Ҳаётда энг азиз нарса нима?

Деди: – Тинчлик ва хотиржамлик.

Дедим: – Улимдан ҳам баттар нарса нима?

Деди: – Қашшоқлик.

Дедим: – Дўстликка нима раҳна солади?

Деди: – Турт нарса: улуғлар – бахиллик, донишмандлар – худбинлик, аёллар – уятсизлик ва мардлар – ёлгончилик қилсалар.

Дедим: – Одамлар орасида донороғи ким?

Деди: – Кам гапириб, кўп эшитган ва кўп билган киши.

Дедим: – Нима кишини хор қилади?

Деди: – Дангасалик ва ахлоқсизлик.

(Давоми бор)

Адолат кучли, куч эса адолатли бўлмоғи лозим. Паскаль

ҚЎШИҚЧИ КЎП, ҚЎШИҚ-ЧИ?

ёки рэп йўналишидаги «хиргой»лар тўғрисида

Ҳозирги давр қўшиқчилик санъатида тур ва жанрлар кўп. Улар ичиде “рэп” деб аталадиган йўналиш мусиқа, хусусан, шоу-бизнес доираларида янгилик саналади. “Рэп” аслида инглизча сўз бўлиб, “қулоқни кар қилмоқ”, “урғу бермоқ”, “сўзларни тез, ритмга солиб айтмоқ” деган маъноларни беради. Янгича услубдаги қўшиқларга қизиқувчан ёшлар рэп йўналишидаги илк чиқишларни илқ қарши олишди. Бу орада унинг ижрочилари ҳам кўпайиб борди. “Хип-хоп” услубида тез, қофияга солишиб айтиладиган қўшиқларга олинган клипларга қизиқиш ҳам ортди.

Бироқ бу каби замонавий деб айтилатган қўшиқ усуллари бой санъатимиз анъаналарига қанчалик уйғун? Умуман, қўшиқсевар халқимиз рэпга ўхшаш усулдаги хоншларни қабул қиладими? Санъатшунослар, таниқли ҳофизларимизнинг уларга муносабати қандай? Биз шу каби саволлар билан машхур хонандамиз, халқ сўйган санъаткор Ортиқ Отажонов ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Собиржон Мўминовга мурожаат қилдик.

– Чинакам санъаткор тўғрисида ўзимнинг фалсафам бор, – дейди Ортиқ Отажонов. – Устозлар айтган қўшиқларни улар қай йўсинда – классик усулда, эстрадада ижро этиладими, бундан қатъи назар, асосий хусусиятлари сақлангани, бузилмаслиги керак. Қолаверса, мумтоз ашулаларимизни устозлар қандай айтишган бўлса, шундайлигича қўлашнинг ўзи бир қаҳрамонлик. Айрим ёш қўшиқчилар чет эл мусикасига, масалан турк, араб, хинд ҳамда Европа мусикаларига сўз боғлаб ўзларича ижро этишяпти. Ахир, бу миллий санъатга хиёнат-ку, қуйда, қўшиқда ўз миллий мусикасининг оҳанги бўлмаса, бу миллий маънавият учун зид-ку.

Санъаткор бўламан деган хонанда минидисклардан четроқда юриши лозим. Табиий овоз билан айтилган қўшиқгина чинакам санъатга дахлдор. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Ҳар бир халқда ўз қўшиқчилик санъатининг чўқиси – шоҳ ашулалари бўлади. Бизда “Муножот”, “Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Чоргоҳ”дек мумтоз қўшиқлар шоҳ қўшиқлардир. Айтишларича, Бобораҳим Мирзаевнинг “Сегоҳ” ашуласи ёзилган битта пластинкага учта кўй беришаркан. Бугунги кунда эса яхши қўшиқдан кўра ўртамиёна қўшиқчи кўпайиб кетди. Қўшиқларимизнинг даярли тенг ярами “ўлдим-қуйдим”дан иборат. Ўзбекона оҳанг, сўз, миллий мусиқа унутилаётгандек. Қўшиқлар матни тутуруқсиз, саёз, мантисиз. Масалан, бир қўшиқда шундай қўлағанади:

Кел жоним яқинроқ, Бағмаза босай сени тезроқ. Сени ҳақида сўзлай сенга, Ишонинг менинг сўзларимга, Орақларимиз бўлсин бирга.

Биз бугунги ёшларнинг қизиқишларини, интилушларини тушунамиз. Мусиқа оламида янги жараёнларнинг кечаётгани ҳам табиий ҳол. Бироқ ҳамма соҳада бўлгани каби қўшиқчиликдаги янгиликларда ҳам меъёр, мувозанат бўлмоғи лозим. Ўзимизча, ҳар қандай олд-қонди нағма-ю оҳангларни янгилик сифатида тақдим этиб, боз устига, бугунги шариот, бозор иқтисодиёти шунга тақозо этади, деб турсак, ҳақиқий санъат ишанавандларининг қулгисига қоламиз, уларнинг эътиборидан тушамиз. Ахир, бизда қадим-қадимдан соҳир овоз соҳиб-

лари юксак ҳурмат билан тилга олинган, уларни эл эъзозлаган, ардоқлаган.

– Бугунги кунда қўшиқ айтиб саҳнага чиқаётган “юлдузлар” кўп, аммо уларнинг аксарияти қачон порлаб, қачон сўнгганини биров билмайди, – дейди Собиржон Мўминов. – Рэп йўналишида қўлаётган ёшлар ҳам талайгина. “Рэп” қўшиқларидаги сўзларнинг савияси, маъноси мени мутлақо қониқтирмайди. Бундай қўшиқларда матнга мутлақо бағфарлик сезилиб туради. Ахир, қўшиқ халқ учун қўлағанади-ку! Айрим қаламқашларга ҳам хайронман, ёзиб беринг, дейишса мусиқага мослаб алмомай-алжойи мисраларни ёзиб бераверишади. Мана, масалан, “рэп” қўшиқларининг бирида шундай нақорат бор:

Гал, гал, гал Довоғдор доғорче денг Эришча гал, битта гал, уша-уша гал Қолаки бекор, келишган довоғдор...

Бу нақорат қўшиқ давомида 12 мартадан ортиқ тарақлорланади. Бундай савиясиз, бачкана қўшиқларни тинглайдиган айрим ёшларга ачинаман.

Мен янгича, хусусан, рэп йўналишидаги қўшиқларга қарши эмасман, бироқ уларнинг аҳамият бериш керак, деб ўйлайман. Клиплардаги ҳаракатлар, кийинги услуби кишининг гашини келтирмаслиги, миллийлик бўлиши керак, назаримда. Турғи, замонавий қўшиқчиликнинг бу йўналишдан фарб нафаси уфуриб туради. Бироқ, модомкики, бу турдаги қўшиқлар бизда, алимиз эътибори учун қўлағана экан, барча жиҳатларига эътибор бермаслик мумкин эмас...

Хуллас, ҳар қандай йўналишдаги қўшиқнинг тинловчиси бўлиши керак. Аввало, қўшиқнинг қим учун қўлағанаётгани, нима учун қўлағанаётгани катта аҳамиятга эга. Чунки биз қўшиқни фақат хузур қилиш учун тингламаймиз. У тарбия воситаси ҳам. Шундай экан, устоз санъаткорларнинг юқоридаги фикр-мулоҳазалари ўрилли эканини, қолаверса, бугунги қўшиқчилик муаммоларига доир мунозарали масалалар кун тартибига турганини таъкидламоқчимиз.

Хўш, сиз бунга нима дейсиз, ҳурматли газетхон.

Умида ЕҚУБОВА, журналист.

Эътибор ва эътироф

СЕВИМЛИ, АРДОҚЛИ, ҚАДРЛИ

Севимли, ардоқли, қадрдон газетам – “Адолат” саҳифаларида очеркларим, бадиа ва эсселарим эълон қилинганида ҳам айни бугунгидек тотли қувонч, секинчи ҳис этмагандим. Ўзи нима гап дейсизми?!

Ҳар ҳафтининг жумаси – муборак кун. Ўйлаб, юзлаб масжидларга эл-улус жума намозига йиғилади. Мен эса бу кун икки ҳисса шод бўламан. Чунки шу кун сеvimли газетамнинг янги сони келади – “Адолат” мустақил юрт бўйлаб адолатни тарғиб этади. Газета тарқатувчининг қадам товушларидан танийман, эшикни чертишидан олдин унга пeshовоз чиқаман. Қўлимдаги “Адолат”нинг хозиргина тандирдан узилган иссиқ нондек тафтли сонига қараб қўзимнинг ташкил бўлган санасига тушади: “1995 йил, 22 февраль”.

“Адолат” 13 ёшга тўлибди! “Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал”, деган ҳикमत бор. Ўшро замонида ўтган ёшлар чогимизда шу оддий ҳақиқатнинг мағзини англай олмаганимга ўзимни ўзим койийман. “Сени айбонг йўқ”, дейман яна ичимда ўзимга тасалли бериб. Биз-

нинг бўз болалигимиз тузумнинг ҳукмрон мафқураси босими остида ўтгани боис, юқоридеги каби теран ҳикमतларнинг моҳиятини англашга изн, имкон берилмаганди. Уша замонда Адолатнинг ўзи дилгир, абгор аҳволда эди.

Шофирқон туманининг Узган қишлоғида Адолат ишми аёл яшайди. Ҳозир ёши бир кам етмишда. Онам у кишини: “Адол келин” деб алқар, биз “Адол янға” деб чақирардик. “Менинг исимм Адолат, Адолат келин денлар”, дерди янға қишлоқ қатталарига зорланиб. Бир кунининг тил-адабиёт фани муаллими бўлган отамдан ўтининг сўраётганини ўзим эшитганман: – Амаки, сиз тушунган одамсиз. Ҳеч бўлмаса сиз “Адолат келин” деб чақиринг.

– Келин, – деди шунда отам, – Адол келин дегани қисқароқ, осонроқ-да. Сиз бундан хафа бўлманг. Янға бора-бора шунга қуниқди. Ҳа, энди ўйласам, ўша ўшро замонида Адолатнинг бўйи қисқа, мазмуни



чала экан. Хайрият, Адолатнинг қадди-баси, мазмун-моҳияти тўла тикланган дорилормон замон келди. Адолатнинг бутун бўлганига ўн олти йил тўлди, янғагон. Сиз Адолат излайвериб шу ёрғу қуларга етиб келдингиз, мурудингиз ҳосил бўлди. Сиз биз билан қалбан партиядошсиз. “Адолат”нинг мучал тўйи кун, албатта, сизни айтаман. Шу кун “Адолат” ҳақида гаплашамиз. Қадрдоним “Адолат”, баҳорга пeshовоз турган 13 ёшинг муборак бўлсин! Етти юзичини манзил сари елиб бораётган шиддатнинг қўнғилларга хузур бахш этишдан чарчамасин. Дилмурод ЖАББОР, Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Энг катта стадион. Рио де Жанейродаги “Маракана” стадионида 205000 томошабин сизгади.

Бир ўйинда энг кўп гол урган ўйинчи. 1942 йилнинг 13 декабрида Франция кубоғи учун “Рейсинг клуб де ланс” клуби футболчиси Стефан Станис “Обри астри” жамоаси дарвозасига 16 та гол урган.

Энг яхши дарвозабонлар. “Атлетико” жамоаси дарвозабони Эйбл Ресино халқаро учрашувларда 1275 дақиқа давомида дарвозаси дахлсизлигини сақлаб турган. Италия термаси посбони Дино Зофф ҳам халқаро учрашувларда шунча вақт давомида дарвозасидан тўп олиб чиқмаган.

Энг йирик ҳисоб. Халқаро учрашувларда энг йирик ҳисоб – 17:0. 1951 йилнинг июни ойида бўлиб ўтган ўйинда инглиз футболчилари Австралия терма жамоаси дарвозасига шунча тўп киритган. Ички чемпионатдаги рекорд эса Шотландиянинг “Арброт” жамоасига тегишли. 1885 йилги Шотландия кубоғи учрашувида ушбу жамоа “Бон Аккорд” жамоасини 36:0 ҳисобида ютган.

Энг кўп марта майдонга тушган футболчи. Питер Шелтон Британия футбол жамоалари тарихида 1309 марта майдонга тушган.